



Имом ал-Бухорий сабоклари

маънавий-маърифий, илмий-адабий журнал



1/2008

Мұндарижা

3.	Мунаваров. «Йигитликда йиғ илмнинг маҳзани...»
5	<i>Мұхадислар сұлтанды</i> Аш-Шайх Абдуссалом ал-Муборакфурий. Сийрат ал-Имом ал-Бухорий: Хадисларни ёдлашга эътибор ва бу борадаги эхтиёткорлик (давоми)
7	<i>Имом ал-Бухорий издошлари</i> Ас-Сағоний. «Асомиў шүйүх ал-Бухорий» (давоми)
9	<i>Навоий тавалудининг 567 йиллигига</i> О.Давлатов. Навоий шеъриятида Мұхаммад пайғамбар (с.а.в.) сиймоси
13	<i>Ханафиilik мазҳаби</i> Р.Матибаева. Мовароуннахр ҳанафиilikига оид мұхим манба
14	Д.Муратов. «Қашғұ-л-осор» фи маңыздыбы Аби Ҳанифа» - ҳадис илмиға оид мұхим манба
17	<i>Бизнинг юбилейларимиз</i> Таҳририят. Эзгулик тимсоли
18	А.Юнусов. Ён дафтарчадаги битиклар
19	А.Юнусов. Тасаввуф – дил соғларі
20	<i>Тасаввуф – маънавий камолот ўйы</i> Ш.Сирожиддинов. Тасаввуф илмининг дарғалари
26	А.Хусайнова. Абдураҳмон Жомийнинг ҳәети ва ижодида нақшбандия таріқати
28	А.Нуридинова. Абдулқодир Гилоний меросининг айрим қирралари
30	<i>Ноғир манбалар</i> Н.Жабборов. Қироат илмиға оид ноёб құләзма
33	<i>Құләзмалар – дүргондалар</i> Х.Тұраев. Шарифжон Маҳдум Садр Зиё ва унинг илмий мероси
34	<i>Манбалар тилгә киргана</i> Ж.Харазатқұлов. Тарихчи әдібнинг маҳорати (Хондамирнинг «Ҳабибу-с-сияр» асаридан)
37	<i>Ислом ва адабиёт</i> М.Исмоилов. Фақирий – Шаҳрисабз адабий мұхитининг камтар вакили
41	<i>Ватанимиз тарихини ўрганамиз</i> Р.Бойтулаев. «Түркистон альбоми»даги суратларда акс этган ўлкамиз ҳәети
43	<i>Миллий давлатчиликимиз тарихидан</i> А.Зоҳидий. Беруний дипломат ва сиёсий арбоб сифатида
47	С.Раупов. Шарқ мұтағаккирлари раҳбарлық ҳақида
49	З.Мадраҳимов. Құйғон хонлиги солиқлары тарихидан
52	<i>Китоблар оламида</i> С.Жаилов. Мәлірфатпарвар шоир ҳақида
55	А.Мұмінов. Туркестон қайғуси (тақриз)
56	<i>Суюкли сиймолар</i> М.Хасанай, О.Қориев. Илмдан тараплан зиё
ИМОМ АЛ-БУХОРИЙ АВЛОДЛАРИ	
59	<i>Ёшлар иши</i> Таҳририят. Ўзбекистон – ёшлар мамлакати
61	<i>Динлар тарихи</i> К.Жұраев. «Авесто» – олимлар наздида
62	<i>Ёш тағқиқотчилар</i> Д.Ғуломова. Глобаллашув жараённанда Миср тамаддуни
64	<i>Ислом ва олам</i> М.Хошимов. Диний бағрикенглиқ тарғиботи
67	Ш.Евқочев. Мұсулмон оламида сиёсий ва ижтимои ислохотчилек жараёнлари
68	<i>Фанлар тарихи</i> А.Байназарова. Ислом фалсафасыда фанлар таснифи (2350мн)
70	<i>Мовароуннахрлик алломалар</i> А.Ташанов. Фаҳрулислом Паздавий Самарқанд суннитлик шарқияттегининг йирик вакили сифатида
71	С.Жамалов. «Ал-Фавоғл әл-Баҳрия» – Ўрта осиёлық фекерлар қажидаты мұхим манба
73	<i>Аждоғлар мероси – ёшлар нигоҳида</i> И.Ахроров. Абуллаис Самарқандийнинг «Хизонату-л-Фақиҳ» асари
75	<i>Ислом ва маърифат</i> Э.Тошев. Аҳмад Донишнинг таълимий-тарбияттық қарашдары
78	М.Раззокова. Аҳли илм ўртасыда устез ва шогерд мұхисабеттері
80	<i>Наврӯзи олам муборак!</i>

Құлғындар - жүргөналар

Халим ТУРАЕВ,
Бухоро давлат университети доценти

ШАРИФЖОН МАХДУМ САДР ЗИЁ ВА УНИНГ ИЛМИЙ МЕРОСИ

Институттың құлғындар
күрши китоби" ва
унинг узбек тарихи
жарнамасынан сыйкапи
шоғырыдан кейин эса,
Айнур Али ал-Ансарий ал-
Марқанд нафакат Үрта
айланған. (Қарант.

"Сынъ аль-Алим";
"Сынъ ас-Самиъ";
"Сынъ аль-Фотихий";
"Сынъ мина-ш-Шайтони-р-

Феълини Ибн Омир
сунгидаты "аммо"
кориляр эса, "йо"
килувчиар гурухини
тәмалуна, деб ёзган

Rieu, London, 1894; 2)
Descriptive catalogue of the
Collection of Shaikh Abdulkadir-e
University, Aligarh 1985;
M.N. Razvi & M.N. Qaysar,
Среднеазиатского
музея Туркестанской
области музея Института
of Manuscripts in the

Унинг асосчиси Осим
129 "Шарифжон охирига
даги эътиборлиги"
4582 й.) таълиф эттан
бін Абунажжуддин

йни қизи Тожинисо...
Бор. Бу миссиялардан
шына булған.
80a...152a, 153a, 154a,

барақлар);
13–15 – сатрлар);
ердан талафот күрган.
томонидан учирған.

бекабут сурасыдан Рум
шолидірган, лекин
тегін, қолбұки бу ерда
сурасынан 5-оятида
бұлиши мүмкін.

6-сатр);
түшиб қолған.
нинг ўзи кейинчалик,
Бирок бунда мұайян
 билан ёзилған (20a
тегін (29a саҳифа);
саҳифа);
чизик тортилған (104a,



Шарифжон Махдум Садр Зиё (1867–1931) XIX аср охири–XX аср бошларыда Бухоро илмий-адабий мұхити анъаналари ийненишида ижод қылған маърифатпарвар, тарихчи, хаттот ва китобсевар ҳисобланады. У 1867 ийл Бухоро амирлигига қаравши Зиёвуддин қишлоғида туғилған. Унинг отаси Домла Абдушукур амирликнинг эътиборли амалдорларидан бўлиб, амир Музаффар (1860–1885) замонида Зиёвуддин қозиси этиб тайинланади. Домла Абдушукур маълумотли шахс эди. У дастлаб мадраса мударриси, сунгра шаҳар раиси, кейинчалик Бухоро қозикалони лавозимларида фаолият кўрсатди. Умрининг охиригача, яъни 1889 ийлга қадар шу лавозимда турди.

Домла Абдушукур жуда бадавлат одам бўлган. Замон тарихчилари маълумотларига қараганда, қизининг тўйида ўз маҳалласидан то Бухоро Арки дарвозасигача маҳсус пояндоз тўшаган ва амир шу пояндоз устидан юриб унинг ҳовалисига ташриф буюрган. Тўйга келган амир устидан эса тилла тангалараб сочган. Бу воқеа бироз бўртирилган бўлиши мүмкін, лекин унинг дурусттина сармоянга эга бўлғани шубҳасиз.

1893 ийл Шарифжон Махдум Хайробод тумман қозиси этиб тайинланган. Шундан кейин то 1920 ийлгача, яъни амирлик тузуми ағдарилгунга қадар Бухоро амирлигининг турли туманларида қозилик лавозимида фаолият кўрсатган. 1917 ийл апрель-сентябрь ойларида эса, бир муддат Бухоронинг қозикалони вазифасини ўтаган. Бухорода шуро тузуми ўрнатилгандан сунг Шарифжон Махдум янги ҳукуматнинг турли идораларида ишлаган. 1931 ийл вафот этган.

Шарифжон Махдум бадавлат хонадон вакили, мансабдор шахс бўлишига қарамай, имм-маърифатни доим биринчи ўринга қўйган ва умрининг охиригача маърифатпарварлик ғояларига содиқ қолған. Шарифжон Махдум тўплаган ва таълиф этган ёзма ёдгорлик намуналари ҳамда ундан қолған бой кутубхона бунга гувоҳдир.

Садруддин Айний ўз «Эсадаликлар»ида Шарифжон Махдум тўғрисида илиқ, фикрлар билдириб, унинг зиёли, маърифатпарвар болгани ва истеъдод соҳибларини юксак қадрлаганини ёзиг қолдирган.

Шарифжон Махдумнинг маърифий оламида иккى жихат яққол кўзга ташланади: биринчиси, унинг қаламига мансуб тарихий-адабий асарлари бўлса, иккинчиси, у ташкил этган бой кутубхона.

У тарихчи сифатида үмумий тарих ва Бухоро тарихининг айрим масалалари бўйича бир неча асарлар таълиф этган. «Мунтакабу-т-таворих», «Тарихи мухтасар», «Усмонии турк ҳукмдорлари силласи», «Эрон тарихи», «Бухоронинг пайдо бўлиш тарихи», «Қабила ва ургуларнинг бўлинчиши», «Ўзбек сулолалари мансаб ва лавозимлар зикри», «Бухорода сув тақсимоти», «Рўзнома» ва бошқалар шулар жумласидандир.

Гарчи мазкур тарихий асарлар ўта илмийликка даъво килмаса-да, лекин улар ўзига хос маърифий аҳамиятга эга. Буларнинг орасида «Ўзбек сулолалари мансаб ва лавозимлар зикри», «Бухорода сув тақсимоти», «Рўзнома» каби асарлар Бухоронинг сунгги феодал даври ижтимоий-иктисодий ва маданий ҳаётини ўрганиш учун мұхим манба вазифасини ўтайди. Шуни инобатта олиб, машхур рус шарқшуноси А.А. Семенов XX асрнинг 20-йилларида, «Ўзбек сулолалари мансаб ва лавозимлар зикри» номли асарни тадқиқ этишига кириштаган ва уни бошқа нусхалар билан солиштирган ҳолда 1927 ийлда рус тилида таржима қилиб, чоп этган.

Ушбу сатрлар муаллифи ўз илмий изланишлари давомида Шарифжон Махдумнинг ўзФА Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланаётган «Рўзнома» номли қўлэзма асари билан танишишга муваффақ бўлди. 260 варакдан иборат бу қўлэзма асарда баён этилган воқеалар хронологиясига кўра, 1930 ийлда ёзиг тугалланган. Олимларнинг маълумотига қараганда, асар Шарифжон Махдумнинг ўз қўли билан ёзилган, илмий тил билан айтганда, у автограф ҳисобланади. Асарда муаллифнинг таржима ҳоли, унга замондош бўлган баъзи шоирлар тўғрисида тазкиравий маълумотлардан ташқари, Бухоро хонлигининг XIX аср бошларидаги ижтимоий-иктисодий ва сиёсий аҳволи тўғрисида ҳам қимматли маълумотлар келтирилган. Жумладан, амир Абдулаҳаддин ташаббуси билан Хутфар каналининг қазилиши ва бу тадбирнинг Бухоро сув таъминоти ривожидаги ўрни, Бухоро амирлиги ҳудудлари бўйлаб ўтган темир йўлнинг қурилиш тарихи, Бухородаги 1918 ийл март воқеалари, 1921–1922 ийлардаги истиқлолчилик ҳаракати ва ҳоказолар асардан ўрин олган.

Шарифжон Махдумнинг тарихий асарларидан «Бухороди шарифнинг осори отиқалари ва қадимий бинолари тарихи» номли қўлэзма алоҳида қимматта эга. Унинг катта қисми Бухоро амирлигининг чор

Манбалар тилга киргана

Русияси томонидан босиб олиниш тарихига бағыланған. Шунингдек, Шарифжон Маҳдум ушбу асарда Аҳмад Доңиши ва Мирза Сомий китобларида учрамайдиган маълумотларни ҳам қайд этган.

Тазкиранавислик соҳасида ҳам қалам тебратган Шарифжон Маҳдум «Тазкирату-шшуаро», «Тазкирату-л-хаттотин» каби асарлар ёзиб, замондош шоирлар ва хаттотлар тұғрисида ҳам муҳим маълумотлар қолдирған.

Шарифжон Маҳдум илмий-маърифий фаолиятининг иккинчи қирраси – китобсеварлик. Айни шу китобларга бұлған қызықишиң унга нодир құләзмалардан иборат бой күтубхона ташкил этишига имкон яратди. Агар күтубхонашунослик нұқтағай назаридан олиб қарасақ, XIX асрнинг охирі ва XX асрнинг бошларыда Бухоро маърифатпарварларининг бирортасида Шарифжон Маҳдумнинг күтубхонаси деген мактублар түрлөрінде көрсетілген. Уннинг күтубхонасида сақланған ёзма ёдгорлікларнинг энг қадимийсі IX асрға ойд бұлған. Фан оламида «Катта Лангар Куръони» (Шахрисабз яқинидаги Катта Лангар қишлоғидан топилғани учун шундай аталағы) номи билаң машхур ўта нодир Мұсқаф нұсхаасининг бир варғы уннинг күтубхонасида сақланған (ушбу варақ айни пайтда ҮЗФА Шарқшунослик институтыда сақланмоқда).

Шарифжон Маҳдум нодир құләзмаларни йиғувчи ва сақловчи сифатида навоийшунослик ва жомийшунослик ривожига ҳам катта ҳисса құшған. Уннинг бу хизматидан бутун нағақат үзбекистонник, балқи хорижлик олимлар ҳам баҳраманд булишмоқда. «Мажмуаи муросалот» ёки «Навоий альбоми» деб жоритиладиган мактублар түплами Хожа Ахрор, Абдураҳмон Жомий, Алоуддин Аттор каби улуғ сиймаларнинг Алишер Навоийга ёзған хатларидан иборат ва яғона құләзма нұсхааси бізгача етиб келған. 594 мактубни ўз ичига олған бу нодир түплама узоқ үйлар Шарифжон Маҳдум күтубхонасида сақланған эди. Таниқұл үзбек шарқшуноси А. Үрінбоев ва америкалик шарқшунос оліма Жоан Гросс-хоним бу құләзма устида тадқиқтот ишларини олиб бордилар.

Шарифжон Маҳдум ўз күтубхонасидаги китобларнинг каталогини тузған. Бу эса ундан фойдаланишни истаган тадқиқотчилар учун жуда катта қулагылар яратған. Шарифжон Маҳдум күтубхонаси ҳозирги вақтда ҮЗФА Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтыда сақланмоқда.

Таассуфки, Шарифжон Маҳдумнинг илмий мероси, эълон этилған баъзи мақола ва ахборотларни ҳиссеба олмаганды, ҳанузгача эътибордан четда қолмоқда. Шарқшунослик соҳасиға белни маҳкам бояғаб кириб келаёттан ёш олимлар бу маърифатпарварнинг илмий меросига жиddyй муносабат билдиришади, деган умиддамиз.

**Жалил ҲАЗРАТҚУЛОВ,
ҮЗР ФА Шарқшунослик институты,
етакчи илмий ходим**

ТАРИХЧИ АДИБНИНГ МАХОРАТИ

Тарихий манбалардан маълумки, Султон Ҳусайн Бойқаро ва уннинг катта ўғли Султон Бадиъуззамон Мирзо ўртасида баъзи сабабларга күра, низо ва гина-кудрат ҳукм сурған.

Султон Ҳусайн Бойқаронинг ўн түрт ўғли бўлиб, уларнинг каттаси Султон Бадиъуззамон эди. Уннинг онаси бой-бадавлат туркман бийларидан бирининг қизи бўлиб, қайсар, ўжар, тили "қайтмас" бўлғанлиги туфайли Ҳусайн Бойқаро уни талоқ қиласи.

Қолаверса, Ҳадича Беги Оғонинг ҳийла ва найранги сабабли шаҳзода Мўмин Мирзонинг қатл этилиши ота-бала орасидаги усиз ҳам таранглышкан алоқани узиб юборади. Лекин Ҳондамир ўз тарихий-адабий асарида подшоҳ Ҳусайн Бойқаро умрининг охирги лаҳзаларида таҳтиравонда юришини қаламга олиб, унда ота-боланинг учрашув онларини ниҳоятда ихчам, аммо жуда таъсирил сатрларда баён этган. Отанинг фарзанди дилбандига "эҳтиёжи" ва боланинг отага "жавдираб" тикилиши лаҳзалари ҳар қандай қалбни титратмасдан иложи йўқ. Замонанинг зайлни уларни шу куйга солған.

Қизиги шундаки, улуғ мутафаккир, олим ва шоир Алишер Навоий ўз вақтида ота-болани яраптиришга кўп саъй-харакат қилған. Бу ерда Ҳондамир у воқеаларни эслатмаса-да, аммо "... Амир Алишер манзилининг олдиндан яхшилик аломати сифатида Султон Бадиъуззамон Мирзога" қароргоҳ қилиб берилишини ёзиши, тарихдаги кўп воқеа-ходисаларни эсга солади. Бу эса, йирик тарихчи олимнинг моҳир ва санъаткор воқеанавис эканлигидан далолат беради.

юбо
пай
шах
бун
ҳол
биз
1
қўй
Бад
ҳақ
ва м
хал
Пиц
Саи
Имс
бу ф
кале
нис
шаф
Шу
мақ
нағ
руҳ
сао
қас
1
бил
чоп
ман
улё
эди
яқи
таъ
оий
мақ
Бад
пас
бур
арб
ўпи
дил
Бад
мех